



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ақлим
бор, деб
кифояланиш
бу ҳали
ақллилик
эмас

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 16-yanvar, shanba, 6 (23.442)-son



Миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир. Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанмиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди, демократик ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

ЮРТГА СОДИҚ ИНСОНЛАР

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирлари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиш билан бошланди.

Сўнгра вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Марказий ҳарбий округ ва Самарқанд гарнизони, кенг жамоатчилик томонидан Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонида ҳарбий парад ва жанговар техника, қурол-яроғлар кўргазмаси ўтказилди. Мард ва жасур хизматчилар кўргазмалари чиқишларини намойиш этди.

Ҳарбийларнинг кўчма палаткаларида уларнинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилди. Дала ошхонасида турли таомлар тайёрланиб, тадбир иштирокчиларига улашилди.

Байрамга бағишланган тантанали маросим Самарқанд Ёшлар марказида ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбеки-

стон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига муносабати билан байрам табригини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов ўқиш эшиттирди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларини Марказий ҳарбий округ кўшинлари қўмондони А.Саидов қутлади.

Президентимизнинг 2021 йил 12 январда қабул қилинган фармонида кўра, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Маросимда самарқандлик мукофот эгаларига орден ва медаллар тантанали топширилди. Яна бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари

билан тақдирланди.

– Байрам арафасида Президентимиз фармони билан давлат мукофотида лойиқ кўрилгандан жуда хурсандман, – дейди Самарқанд ҳарбий госпитали бўлима бошлиғи, “Соғлом турмуш” медали соҳиби Шухрат Нарзиёв. – Бу 23 йиллик камтарона меҳнатимнинг юксак эътирофи, шу билан бирга, улкан масъулият деб биламан. Албатта, бу ишончга муносиб бўлиб, ҳарбий хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилиш учун бор билим ва тажрибамни ишга соламан.

Бу йилги байрам тадбирлари “Ким Ватанга содиқ бўлса, мандирман ўша!” шиори остида ўтказилмоқда. Оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида вилоятнинг барча ҳудудларидаги таълим муассасалари, маҳаллалар, қорхона ва ташкилотларда ҳарбий хизматчилар иштирокида учрашувлар, маданий тадбирлар уюштирилди.

Санъаткорларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Самарқанд шаҳрида “Соҳибқирон кубоги”

халқаро шахмат турнири ўтказилади

Президентимиз 2021 йил 14 январда “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Унда 2025 йилга қадар шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сонини ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида 25 та шахмат мактаблари ва клублари фаолиятини йўлга қўйиш, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шахмат билан шуғулланаётган болалар қамровини 10 500 га етказиш, мамлакатимизнинг Халқаро шахмат федерациясидаги (FIDE) рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш ва 2025 йилда биринчи 10 таликка киришга эришиш каби вазифалар белгиланди.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили:

- умумий ўрта таълим мактабларида “Шахмат ойлиги”;
- мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича жамоавий “Шохруҳ” турнири;
- мактаб ўқувчилари ва жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ўртасида шахмат бўйича республика биринчилиги;
- июнь-август ойлари давомида маҳалла болалари ўртасида “Маҳалла кубоги” шахмат мусобақалари;
- май-июль ойларида маҳалла оилалари ўртасида “Шахматчи оила” турнири;
- икки маротаба вазирлик, идора ва ташкилотларда ходимлар ўртасида “Шахмат кунлари” ташкил этилади.

2021 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий



тарзда куйидаги турнирлар ўтказилади:

- Тошкент шаҳрида Президент соврини учун халқаро шахмат турнири;
- Ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер Г.Агзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир;
- шахмат бўйича XVII Жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов халқаро турнири;
- Самарқанд шаҳрида “Соҳибқирон кубоги” халқаро шахмат турнири;
- Хива шаҳрида “Ал-Беруний” халқаро шахмат турнири;
- Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида “Туризм ва шахмат ҳафталиги”.

Қарорга кўра, шахмат мактаблари ва клублари фаолиятига кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон шахмат клублари ассоциацияси ташкил этилади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фаргона филиалида шахмат бўйича таълим йўналиши очилади.

Шунингдек, Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

«Кун муаммоси»

Таҳририятимизга Жомбой тумани Ногаҳон маҳалласи, Довчар қишлоғида яшовчи фуқаролардан шикоят аризаси келди. Унда жумладан шундай дейилади:

Аҳоли эски симёғочлардан азият чекмоқда

электр тармоқлари корхонаси эса мурожаатга бепарво

– “200 хўжалиқда мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади-ган қишлоғимизга 1953-1964 йилларда электр симёғочлар ўрнатилган. Фойдаланиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, симёғочлар ҳалигача янгисига алмаштирилмаган. Аксарият аҳоли мажбурликдан ўз уйига қўлбола симёғоч билан электр тармоғи тортган. Оқибатда, намгарчилик ва совуқ кунларда электр симлар бир-бирига тегиб, қисқа туташувлар юзага келмоқда. Бу эса хондонлардаги электр жиҳозларини ишдан чиқармоқда. Энг ёмони, қўлбола симёғочлар чириб, тез-тез симлар узилиб, аҳоли ҳаётига хавф солмоқда.



ва хизмат фармойиши чиқарилмасдан 10 кВ “Ғубдин” фидерига улаб ишга туширилган.

Биз бу ҳақда Жомбой тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Ш.Ҳатамовга, вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ф.Маматқуловга бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо бирор натижа бўлмади.”

Масалага ойдинлик киритиш учун Жомбой тумани электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Қ.Эргашев билан боғланиб, вазиятга ойдинлик киритишни сўрадик. Ариза нусхасини 2020 йил 24 декабрда телеграм орқали юбордик. Аммо орадан 20 кундан ортиқ вақт ўтди ҳамки, мурожаатимизга жавоб йўқ.

Жомбой тумани электр тармоқлари корхонаси масъуллари фуқароларнинг қийнаётганига шу қадар бепарвоми ёки мурожаатларнинг барчаси шу зайдда эътиборсиз қолдирилди-дими?

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Мактабда ўқувчилар ҳарбийликка қандай тайёрланяпти?

Мустақилликнинг дастлабки йилларига тўғри келган ўқувчилик йилларимда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик дарси футбол стадионида кечган. Рост, бу кейинчалик муддатли ҳарбий хизматни ўтаганимда салбий таъсир кўрсатган.

Энг ёмони шундаки, кейинчалик мактабларда 10-11 синфлар қисқариб, бу фан дарс жадвалидан олиб ташланди. Ҳарбий ўқув қуроллари тарқалиб кетди, ўқ отиш жойлари бузилди.

Аммо бугун давр ўзгарди, бу фанга, яъни ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор бирмунча ошди. Хусусан, 2017 йилда умумий ўрта таълим тизимида 10-11 синфлар қайта тикланиб, бу йўналишда алоҳида дарс машғулотлари йўлга қўйилди.

▲ АЖРАТИЛГАН СОАТЛАР ЕТАРЛИМИ?

Ёшларни чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик йўналишида ҳам муайян норматив ҳужжатлар талаб қилинади. Афсуски, бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Аммо арзирли ишлар ҳам йўқ эмас.

Вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда 1247 та умумий ўрта таълим мактабининг 1239 тасида ёшларни чақириққа қадар

бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари фаолият олиб бормоқда.

– Ҳамкасбларимиз таянч ўқув режаси асосида 10-11 синфларда ҳафтасига бир соатдан дарс ўтади, – дейди Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактаби ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича директор ўринбосари Турсун Бўриёв. – Машғулотлар сифатли ташкил қилиниши учун ҳар бир мактабда синфхоналар зарур кўргазмалари воситалар билан жиҳозланган. Шунингдек, хотира бурчаклари ташкил қилиниб, бу ерда Ватанмиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ҳалок бўлганлар тўғрисида фотолаҳза ва маълумотлар жойлаштирилган.

– Машғулотлар сифатини ошириш, жумладан, ёшларда ҳарбийликка ҳавасни кучайтириш мақсадида ҳарбий қисмлар ва тегишли бошқармалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси амалий фанлар методисти Нурали Ибрагимов. – Масалан, “Ёш кутқарувчи”, “Темурбеклар” сингари танловлар

«Давра суҳбати»



орқали ўқувчиларимиз эгаллаётган билимлар синовдан ўтказилади. Бундан ташқари, ҳар йили ўтказиладиган ҳарбий ватанпарварлик ойлигида ҳарбий ўқув дала майдонлари, қисмларга ўқувчиларнинг саёҳати ташкил қилинади. Ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида очик эшиклар кунини ўтказилади.

Албатта, бу борада ҳафтада бир соат дарс орқали ўқувчиларга етарли маълумот ва кўникма бериш қийин. Шу боис, мактабларда ёш мерганлар, ёш топографлар ва бошқа тўғрақлар ташкил қилинган. Қолаверса, дарс машғулотларини кўпайтириш масаласи ҳам айни пайтда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган миллий дастурда ўз ифодасини топади, деб ўйлайман.

Бошқарма методисти ва амалиётчи ўқитувчилар чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани айнан қанча бўлса етарли бўлишини айтмаган бўлсалар-да, бу борада тегишли тақлифлар билдирилётганини қайд этишди.

2-саҳифа >>>

Самарқанд шаҳрида янги очилган Мирзо Улуғбек номидаги математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан ўқувчилар учун жорий йилнинг 9-10 январь кунлари тест синовлари бўлиб ўтди.

Ихтисослашган муассасага ўқувчилар қабул қилинди

Унда 220 нафар 7-синф ўқувчилари ва 240 нафар 8-синф ўқувчилари иштирок этди. Имтиҳон саволлари 20 та математика, 10 та она тили фанидан тузилди.

Ихтисослаштирилган мактабга 7- ва 8-синф ўқувчилари 60 нафардан, жами 120 нафар қабул қилинди.

– Мактабда куннинг биринчи ярмида дарс машғулотлари ўтказилади, – дейди мактаб директори ўринбосари Исомиддин Нусратов. – Тушлиқдан кейин ўқув дастурига кўра, ўқувчилар спорт билан шуғулланади, дарс тайёрлайди, тўғрақларда қатнашади.

Ўқувчиларга куннинг узун ёки қисқалигига қараб 3-4 маҳал овқат берилади. Ота-оналардан ҳар ойда бир базавий ҳисоблаш миқдорида ойлик тўлов олинади. Мактабнинг бошқа харажатлари давлат томонидан таъминланади.

Ўқувчилар мактаб ётоқхонасида яшайди. Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи ўқувчилар дарс ва машғулотлар тугагач, уйига кетишга рухсат берилади.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Вилоятда 10,7 фоиз абитуриент талаба бўлди

2020-2021 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилинди. Хўш, Республика миқёсида Самарқанд вилоятдан қанча абитуриент ўқишга кирди?

Давлат тест маркази Самарқанд вилоят бўлими маълумотида кўра, вилоятда 137 271 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун онлайн рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 14 684 нафари, яъни атиги 10,7 фоизи талабалар қабул қилинган.

Туман (шаҳар)лар кесимида олиб қаралганда, энг кўп талаба ўқишга кирган ҳудудлар:

1. Нарпай тумани – 12,7 фоиз.
2. Пахтачи тумани – 12,4 фоиз.
3. Самарқанд шаҳри – 12,2 фоиз.

Нарпай туманидан 7769 нафар абитуриентдан 989 нафари, Пахтачи туманидан 6658 нафар абитуриентдан 827 нафари, Самарқанд шаҳридан 13 208 нафар абитуриентдан 1612 нафари талабалар қабул қилинган.

Энг кам талаба ўқишга кирган ҳудудлар:

1. Ургут тумани – 7,1 фоиз.
2. Самарқанд тумани – 8,3 фоиз.
3. Тойлоқ ва Жомбой туманлари – 9,2 фоиздан.

Ургут туманидан 13 819 нафар абитуриентдан 983 нафари, Самарқанд туманидан 6393 нафар абитуриентдан 531 нафари, Тойлоқ туманидан 7092 нафар абитуриентдан 653 нафари ва Жомбой туманидан 6600 нафар абитуриентдан 600 нафари талаба бўлган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

НОЧОР МОДИЙ-ТЕХНИК БАЗА

1990-1993 йилларда ҳам мактабда қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан дарс берганман, - дейди Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактаби ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича директор ўринбосари Анвар Фармонов. - Уша пайт, умуман ўзимиз ўқиган вақтларда ҳам мактабларда қарийб барча жанговар қуроллар бўларди. Бугун ҳам қуроллар масаласи босқичма-босқич кўриб чиқилапти. Лекин бизни қийнаган энг оғриқли масала бу жисмоний тайёргарлик майдони йўқлиги. Лекин биз масала марказлашган тартибда ёки қачондир ҳал этилишини кутиб турганимиз йўқ. Мактабимизда ҳомийлар кўмаги билан гимнастика майдони ташкил қилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланганми. Бугун бу жой ўқувчиларимизнинг сеvimли масканига айланган.



ҳафта ўзаро тажриба алмашиш машғулотларини ташкил қилганми. Дейлик, кимдир топография бўйича яхши билим ва кўникмага эга, ўша йўналишда машғулот ўтказсади. Ўз навбатида, бугунги кунда соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар билан таништиради.

Бундан ташқари, фан ўқитувчиларининг телеграм гуруҳини ташкил қилганми. Бугунги кунда нафақат вилоятимиз, балки бошқа ҳудуд ўқитувчилари ҳам аъзо бўлган ушбу гуруҳда соҳага оид янгиликлар ва зарур ҳужжатлар эълон қилиб борилади, амалий тажрибалар ўртоқлашлади.

- Албатта, вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги малака ошириш институтида дарслар намунавий асосда ташкил қилинган, - дейди Т.Бўриев. - Аммо бу ерда амалий машғулотлар учун имконият деярли йўқ. Шунинг учун Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги билан ҳамкорликда фан ўқитувчиларининг 3 кунлик дала-ўқув машғулотлари ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мактабда ўқувчилар ҳарбийликка қандай тайёрланяпти?

- Дарҳақиқат, қақирққа қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича моддий-техник база мақтагулик даражада эмас, - дейди Н.Ибрагимов. - Умумий ўрта таълим мактаблари 18 номдаги плакатлар билан таъминланган. Ҳар бир туманга 4 донадан ўқув автомати тарқатилган.

Албатта, қақирққа қадар бошланғич тайёргарлик кўпроқ амалиёт ва кўргазмали воситалар билан бўлса, қутилган натижани беради. Бу борада гап кетганда тегишли ҳужжат асосида вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими бошлиқлари ҳокимларнинг маслаҳатчиси этиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим. Энди бу билан жойлардаги раҳбарларга бевосита мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсия киритиш учун ваколат берилди.

- Ҳукуматнинг тегишли қарориди 11-синф ўқувчиларининг 3 кунлик тактик-амалий машғулотларини ўтказиш белгиланган, - дейди Т.Бўриев. - Назаримда, бу масала ҳам яқин вақт ичиди ўзининг амалий ечимини топади.

МАЛАКАНИ ҚАЕРДА ОШИРГАН МАЪҚУЛ?

Гарчи, халқ таълими тасарруфида бўлса-да, мантиқан олиб қараганда мудофаа тизимига яқин бўлган қақирққа қадар тайёргарлик фани ўқитувчиларининг ҳаммаси ҳам етарли даражада малака ва кўникмага эга, деб бўлмади. Қолаверса, шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда мазкур фан ўқитувчиларининг халқ таълими тизимига малака оширишлари мантиқан тўғри эмасдек.

- Тизим ходимлари, шу жумладан, қақирққа қадар тайёргарлик фани ўқитувчиларининг ҳар уч йилда малака оширишлари ва қайта тайёрловдан ўтишлари белгиланган, - дейди Н.Ибрагимов. - Шу боис, ўқитувчиларимиз бошқарма қошидаги институтда курсларда ўқиш, ўз малака ва кўникмаларини ошириб келмоқда. Бу ерда машғулотлар замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилинган.

- Бир ойда битта ўқитувчи малака оширган-да Жомбойдаги биринчи навбатдаги ўқитувчи яна беш йилда навбат келади, - дейди А.Фармонов. - Шу боис, мактабимизда ҳар



УСТОЗЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Бугун ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Шу жумладан, қақирққа қадар тайёргарлик фани ўқитувчиларига бўлган эътибор ҳам ортиб борапти.

Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги буйруғига асосан ЧҚБТ раҳбари лавозими ватанпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринбосари этиб белгиланган. Таассуфки, ойлик маошида ўзгариш йўқ.

- Албатта, бу масала вазирлигимиз томонидан ўрганиб чиқилиб, зарур чоралар кўрилмоқда, - дейди Н.Ибрагимов. - Бунда биринчи навбатда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича директор ўринбосарининг ойлик иш ҳақи мактабдаги олий маълумотли ўқитувчиларнинг иш ҳақига тенглаштирилади. Кейинчалик босқичма-босқич ошириб борилади.

- Фаолиятим давомида кўплаб ёш ЧҚБТ раҳбарлари билан суҳбатлашимизга, уларнинг оилавий шароитларини ўрганишимизга тўғри келади, - дейди А.Фармонов. - Уларнинг аксарияти оила бошлиғи ва асосий боқувчи ҳисобланади. Шу боис, 1 миллион 200 минг сўм, балки ундан сал кўпроқ иш ҳақи етарли бўлмаётганини ҳис қилганман. Тўғри, биз сингари асосий контингентнинг 25-30 фоизини ташкил қилувчи захирадаги офицерлар ҳисобланган директор ўринбосарлари учун иш ҳақининг қанчалиги муҳим аҳамиятга эга эмас. Аммо бошқа йўналишлардаги олий ўқув юрларини тугатиб, фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш керак. Чунки, улар энди нафақат 10-11 синфларга дарс ўтади, балки барча мактаб ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига масъул этиб белгиланади.

Давра суҳбатимиз давомида яна бир ҳолат эътиборимни тортди: захирадаги офицер ёки сержантлар таркибига кирувчи ЧҚБТ раҳбарларининг ҳарбий унвони деярли ўзгармайди. Назаримда, бу масала ҳам тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши керак.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.

Келажак йўлида муҳим қадам

Бир неча йилдирки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатнома йўллаши аънамага айланди. Ҳар бир фуқаро ушбу Мурожаатномада мамлакатимизда келгуси йил учун белгиланган режалар, амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар билан танишиши имкониятига эга бўлмоқда.

Бу галги Мурожаатномада ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган ислохотлар, жумладан, болаларни умумтаълимга тайёрлаш жараёнида сўтқашлик ёки лоқайдликка йўл қўйиб бўлмастлигини, болаларимизнинг бахту икболи учун жавобгарлик ҳамда масъулият ҳисси ғоят улкан эканини унутмаган ҳолда билдирилган фикрлар менда катта таассурот ўйотди.

Мурожаатномада кўра, болаларнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида

"касбга ўргатиш тизими" жорий этилиши қувонарли. Бинобарин, Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири Саъдий Шерозийнинг педагогик қарашидан, болада қобилият ўз-ўзидан ривожланмайди. Унинг ривожланиши учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса боладаги қобилият сўнади. Шу сабабдан ҳам бугун бу борада қўйилган ҳар бир қадам, эртага ўзининг натижасини кўрсатади, мевасини беради.

Мурожаатномада мактаб таълимининг тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит

яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилиши таъкидланди. Шунингдек, умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шартлиги, бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилиши мамлакатнинг ёрқин келажиги учун муҳим аҳамиятга эга ташаббус, десак муболага бўлмайди. Зеро, "Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир" дейишади. Аммо бу ўрта мактабда болаларга бериладиган билим сифати ва даражасига бевосита боғлиқ.

Мурожаатномада сайловчилар билан учрашувлар чоғида кўп марта ўртага ташланган ўқи-

тувчиларнинг малака ошириш ва тоифа олиши борасида ечимини қутаётган масалага ҳам ечим топилгани аҳамиятли бўлди. Энди "ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида ўқитувчилар ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур, деб ҳисоблайман.

Мурожаатномада эртанги ёрғун келажигимиз йўлида муҳим вазифалар белгиланган. Биз депутатлар, халқ вакилларининг вазифаси эса давлатимиз раҳбарига ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда камарбаста бўлишдан иборат.

Муҳиба БОБОБЕКОВА, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати.

Жорий йилда вилоятимизда 24 минг 118 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш режалаштирилган. Жумладан, 20 минг 162 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 100 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш, 2960 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш, шунингдек, 9 минг 800 гектар майдонни лазер ускунаси ёрдамида текислаш мўлжалланган.

Вилоятимизда 24 минг гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технология ўрнатилади



Бугунги кунда 20 минг 212 гектар майдонда ана шундай технологияларни ўрнатиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан кластер ва фермер хўжалиқлари ўртасида шартномалар тўзилган ҳамда қурилиш ишлари бошланган.

Бу ҳақда Самарқанд шаҳрида қурилиш ташкилотлари ҳамда ташаббускор кластер ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида сув тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтиришга бағишланган кўргазмали семинарда маълумот берилди.

- 2021 йилда республикамизда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари беш баробарга кўпайтирилади, - деди Сув хўжалиғи вазири Ш.Ҳамроев. - Жами сув тежайдиган технологиялар билан таъминланган майдон 430 минг гектарга етказилади. Сувни тежаш ҳисобидан 90 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

Семинарда сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари, ушбу технологияларни жорий этганларга давлат томонидан субсидия беришининг янги тартиби тушунтирилди.

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ахборот хизмати.

Четдаги муассасанинг «оҳанрабо»си бўлади

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар меҳнатини янада рағбатлантириш, бўш иш ўринларини тўлдириш ҳамда жойларда малакали кадрларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш белгиланган эди.

Тез фурсатда бу ташаббуслар ўз ижобатини топди. Яъни, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 январда қабул қилинган "Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 1 январдан бошлаб



олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлашга келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдориди бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдориди ҳар ойлик пул компенсацияси бериладиган бўлди.

Жорий йилнинг 1 мартидан эса таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинади. Бир маъмурий-ҳудудий бирикларга доирасида бошқа туман ва

шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз, бошқа маъмурий-ҳудудий бириклардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз махсус устамалар тўланади.

Бу саъй-ҳаракатлар чекка ҳудудларда жойлашган мактабларда мутахассислар етишмаслигини бартараф этиши, келажак авлодга таълим-тарбия беришдек улкан вазифани зиммасига олган ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, обрўси ошишига хизмат қилади.

Гулбаҳор МАМАНАЗАРОВА, Самарқанд вилояти юридик техникуми бўлим бошлиғи.

БУ ФАКТИ! Қайси ҳудудда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар кўп? Республика миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони бўйича вилоятимиз Тошкент шаҳри (6918 та) ҳамда Тошкент вилоятидан (1318 та) кейин учинчи ўринни эгалламоқда (580 та). Энг кам Хоразм вилоятида - 175 та, Қорақалпоғистон Республикасида - 164 та. Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

Бугунги қор-қировли кунларда, аёзли тунларда одамлар иссиққина уйда дам олаётган пайтда касбига меҳр қўйган чўпонлар кашаридан бери келмайди. Ана шундай чорвадорлардан бири нурободлик Машраб Тўраев. Тумандаги "Олга" чорвачилик хўжалиғи бош чўпони бўлган Машраб ака Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" унвонига сазовор бўлди.

100 СОВЛИҚДАН 110 КЎЗИ

Биз Нурободга ижодий сафаримиз чоғида Машраб ака билан суҳбатлашимиз мақсадида туман марказидан қарийб 50 километр узоқликда жойлашган, чўпонлар қишлайдиган жой - кашарга етиб борганимизча қоронғи тушди. Чорвадор билан гулхан атрофида дилдан суҳбатлашдик.

- Эсимни таниганимдан буён қўй бокаман, - дейди у. - Сабаби, боболарим, амаки ва тоғаларим чўпон бўлган. Улар орасида юксак унвон ва медалларга сазовор бўлиб, эл назарига тушганлари талайгина. Уларга ҳавас қилиб, бобомнинг эстагидан тугганман. Кўй-кўзиларни парвариллаш сирларини ўрганганман. 1994 йилда иш бошлаган бўлсам, аввалига амаки

НУРОБОДЛИК ЧЎПОН билан гулхан атрофида



ва тоғаларимнинг отарларида ёрдамчи чўпон вазифасини бажардим. Кейинчалик 800 бош қўй-қўзилар отарга чўпонлик қилдим. Ҳар 100 совлиқдан 80 бош қўзини ўстиришга топширдик. Қолганлари қоракўл тери учун эди. Бугунги кунда "Олга" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 20 дан зиёд отарга бош чўпонман. Бу отарларда етти ярим мингдан зиёд қўй-қўзи боқилади. Ўзим чўпонлик қи-

ҚЎЙ БОҚИШГА ҚИЗИҚТИРГАН "ОШИК"

Машраб ака болаликдаги унутилмас воқеаларни ҳам гапириб берди:

- Бола пайтимизда ака-укаларим билан ошик, ланка, чиллак кўрарди. Кўнглимизга қарарди. Уйларимизга керакли воситалар таъминотчиси эди. Чиллак таёқ муаммо эмасди, аммо ошиқнинг топилиши бироз қийин эди. Бобом, қайси биринг менга қўй боқишда ёрдам қилсанг, ошиқнинг зўрини бераман, дерди. У киши билан қўй боқишга кўпроқ мен чиқардим. Мени эшагига миндириб,

ўзи пиёда дашт кезардик. Ўша кунларни эсдан чиқариб бўлмайди.

БОБОМДАН ҚОЛГАН ТАЁҚНИ ФАРЗАНДЛАРИМГА ҚОЛДИРАМАН

Чорвачиликнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ёзнинг жазирамасида, қаҳратон қишининг совуқ кунларида далада қўй-қўзи боқилишининг ўзига яраша азоб-ўқубатлари бўлади.

- Айни кунларда ярим тунда отарга ем-хашак бериб, далага бир айлантириб, оёғини ёзиб келамиз, - дейди Машраб ака. - Бу чўпонлар тилида "жайдим", дейилади. Қоронғи кечада турли вазиятлар бўлиши мумкин. Қўйларнинг йўқолиб қолиши бор, касал бўлиши бор. Баъзи пайтлар отарга чиябўрилар ҳужум қилиб қолади. Улардан ҳимоя қилиш учун тун бўйи кашарни айланиб чиқиш осон эмас. Ана шундай вазиятда қўлимдаги чўпон таёқ асқотди. Бу мен учун жуда қадри. Катта бобомдан мерос бўлиб келадиган таёқни фарзандларимдан бирига топшираман.

КИБАНАК - НИМА?

Суҳбатимизни диққат билан тинглаб турган ёрдамчи чўпонлардан бири, Шухрат Тўраевнинг устиди қалин кийим эътиборимизни тортди. Унинг номланишига, нимадан тайёрланишига қизиқдик. - Бу кибанак, - деди Ш.Тўраев ўрнидан туриб, ўша кийимнинг астарини очиб кўрсатди. - Бу катталиги учун бир қарашда қалиндек

Суҳбат


туолади. Аммо енгил, чопоннинг устидан ҳам қийинга қулай. Қўй ёки туя жунидан тайёрланадиган кизилги бу устки кийим чўпонларни қишда совуқдан сақлайди. Ёз пайтлари даштада чўпон таёқни устун қилиб совбон сифатида фойдаланамиз, гармселдан ҳимоя қилади.

УНВОН - КАТТА МАСЪУЛИЯТ!

Машраб Тўраевга "Чўпон бўлганингиздан ҳеч афсусланганимизми?", деган савол жуда кўп берилар экан. Унинг жавоби доим тайёр: "Йўқ, асло!" - Шу касбнинг, меҳнатимнинг орқасидан кам бўлмадим, - дейди у фахр билан. - Рўзгор тебратиб, тўйлар қилдим, уйлар қурдим. Фарзандларимни ўқитяпман. Катта қизим қишлоқ врачлик пунктида дўхтир. Тўнғич ўғлим эса Самарқанд ветеринария медицинасини институтини тугатиб келди. Болалигидан қайсидаир қўй касал бўлиб қолса, ачинарди. Уларни даволашда ветеринарларга ёрдам бериб келарди. Ўтган йили Юртбошимиз "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" унвони билан тақдирлади. Бу - катта масъулият. Ҳайратимга ғайрат қўшилиб, чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшишим керак.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Ўтган йилларда жаҳоннинг кўзга кўринган олимлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига мактуб йўллаб, дунё миқёсида миллатчилик популизмининг кучайиб бораётганлиги ва бу эса охир оқибат, либерал-демократик ғояларнинг барбод бўлишига, фашизмнинг қайта жонланишига ва турли мамлакатларда янги-янги зиддият ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида жиддий оғоҳлантиргандилар. Шундан сўнг дунё ҳамжамияти бу борадаги вазиятни ўрганиб чиқиб, 2018 йилда махсус вакилнинг ҳисобот маърузасини тингланган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилганди.



хатарни пуфакдек шишириб, ўз халқини кўрқитмоқда. Ҳолбуки,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн берган маълумотларга кўра, бу ҳолат ўзини демократик деб ҳисоблайдиган бошқа мамлакатларда ҳам кузатилмоқда.

Шу ўринда, аввало миллатчилик популизми нима эканлиги ҳақида қисқачина маълумот беришга тўғри келади. Давлат бошқаруви жараёнида турли муаммоларга учраган сиёсий элита ўзининг тор сиёсий манфаатларини кўзлаб, оддий фуқаролар онгидаги салбий ҳиссиётларни уйғотишга уринади. Айтилик, "мигрантлар мамлакатимизда жиноятчиликнинг ошишига сабаб бўлмоқда" ёки "қашшоқ яшаётганимизга кўшни давлатлар айбдор", деган уйдирма гапларни урчиштириб, тарғибот тизими орқали халқнинг кўлоғига қўяди. Қизғин шундаки, бундай иддоолардан нафақат давлат бошида турганлар, балки улар билан ихтилофдаги муҳолифотчилар ҳам унумли фойдаланишади.

Масалан, АҚШ президенти Дональд Трамп сайлов олдидан муҳожир ишчилар америкаликларнинг нонини яримта қилаётгани, иш берувчилар ўз қорхоналарини хорихга олиб чиқиб кетаётганлиги, қашшоқлар сонининг кўпаяётганлигига Американинг бошқа мамлакатларга ёрдан бераётганлиги ва глобализация сабаб бўлаётганлиги ҳақида гапириб, ўз тарафдорларини кўпайтиришга эришганди. Бундан ташқари, бу арбоб АҚШда ирқчилик ва миллатчиликни рағбатлантириб, ўз сиёсий манфаатлари йўлида фойдаланганлиги ҳам америкаликларнинг азалий демократик қадриятлари асосларини анча заифлаштириб қўйди.

Франциялик популист лидерлардан бири Марин Ли Пен эса расмий ҳукуматга қарши халқни гиж-гижлаш мақсадида мусулмон муҳожирлар сонининг ортиб бораётганлиги мамлакатнинг демократик келажагига хавф-хатар пайдо қилиши ҳақида кунда бўлмаса, кунора сафсата сотмоқда. Бунда у "Шарл эбдо" журнали ва Франциянинг турли шаҳарларидаги террорчилик ҳаракатларини рўқач қилиб кўрсатмоқда. Бироқ бу воқеаларга аслида ислом дини эмас, балки Франция жамиятидаги ксенофобик кайфият ва одамларнинг диний ҳис-туйғуларига нисбатан содир этилаётган тажовузлар сабаб бўлаётганлигига ҳеч қим эътибор бермапти.

ЖИГАРРАНГ ВАБО КЎЛАНКАСИ



Австриялик Норберт Хафер, чехиялик Милош Земан, венгриялик Виктор Орбан, нидерландиялик Герт Виллер, словакиялик Роберт Фицо, британиялик Найжела Фараж сингари сиёсий арбоблар ўзларининг популистик демагогияга асосланган турли иддоолари билан бағрикенглик ва толерантлик ғояларига асосланган Европа жамияти қадриятларини оёқости қилишмоқда. Кўп ҳолларда улар келтирган далиллар ҳеч қандай мантқиқ асосга таянмайди. Жумладан, Венгрия бош вазири Виктор Орбан муҳожирлар пайдо қилаётган

мамлакатдаги 10 миллион фуқаро орасида бор-йўғи 10559 киши Осиё ва Африка мамлакатларидан келган муҳожирлардир. Уларнинг Венгрия жамиятига қанақадир жиддий хавф-хатар пайдо қилиши ақлга сиғмайдиган гап. Тўғри, муҳожирлар табиий равишда кўпайиб, қачонлардир миллионга етар. Аммо у пайтда мигрантларнинг авлодлари ассимиляцияга учраб, маҳаллий халқ билан тўлиқ аралашиб кетган бўлади.

Миллий айирмачилик ва ўзга халқларга нисбатан тоқатсизлик кўп ҳолларда қуролли моjarолар ва ҳатто катта урушларни келтириб чиқариши жаҳон тарихида кўп кузатилган. Ўтган 2020 йилда Озарбайжон ва Арманистон республикалари ўртасида бўлиб ўтган 44 кунлик уруш халқлар орасида пайдо бўлган миллий зиддият қанақа оқибатларга олиб келишини яққол кўрсатиб қўйди. Бир вақтлар аралашиб-қуралашиб, аҳил кўшничликда тинч-тотув яшаган икки халқ ўртасида ўзаро нафрат пайдо бўлди. Арман миллатчилари томонидан кўхна тарих қавланиб, бир замонлар денгиздан денгизгача ястанган қадимий арманилар империяси ҳақидаги афсона ва ривоятлар жонлантирилиб, Озарбайжоннинг бир қисми босиб олинди. Тоғли Қорабоғда азалдан яшаб келган мусулмон аҳоли қувғин қилинди.

Собиқ СССРда муаммолар қанчалик кўп бўлмасин, битта масалада ўзаро макбул уй-ғулликка эришилган эди. Бу ҳам бўлса қизил салтанатда миллий масала муваффақиятли ҳал этилганди. Иттифоқнинг сўнгги йилларида гарчанд рус шовинизми кучайган эса-да, ҳар ҳолда, гўё қардош халқлар ўртасида бир-бирига нисбатан нафрат кузатилмасди. Миллатчилик туйғулари ҳам рағбатлантирилмас, аксинча, қаттиқ таъкиб этиларди. Бир сўз билан айтганда, сохта пролетар интернационализм тамойиллари ҳам борича амал қилинарди. Миллатчиликнинг маиший қобилқандан чиқиб кетишига йўл қўйилмасди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида буюк миллатчилик шовинизмига жавоб ўлароқ вужудга келган тўлақонли миллий ҳаракат дастлаб Қозоғистонда, кейин Кавказда ва ниҳоят Болтиқбўйи ва Украинада бўй кўрсата бошлади. Оқибатда миллатлараро қонли моjarолар содир этилди. Минг-минглаб беғуноҳ фуқаролар қурбон бўлди ёки майиб-мажруҳ бўлиб қолди.

Бундаги энг ёмони, бир неча асрлар давомида шакланган давлат сарҳадлари миллатчилик ақидалари асосида шубҳа остига олина бошланди. Чегараларни қайта қўриб чиқиш тенденцияси пайдо бўлиб, Озарбайжон, Украина, Молдова, Грузия сингари собиқ шўро республикаларининг бир қисм ҳудудлари кучлироқ бўлган қўшнилари томонидан эгаллаб олинди. Бу эса юқоридаги мамлакат ҳудудларида соат механизми билан ишлайдиган миналар кўмиб қўйилганига ўхшаб қолди. Ана шундай миналардан бири 2014 йилда Украинада ва иккинчиси бултўр 27 сентябрь кун Озарбайжонда портлади. У ерларда бўлиб ўтган қонли моjarода минг-минглаб на-вқирон йигитлар ва тинч аҳоли ҳалок бўлди, ундан кўпроқ одамлар яраланди. Шаҳарлар, қишлоқлар вайронга айланди. Ушбу урушлардан қим ютди ёки қим ютқазди – ҳануз номаълумлигича қолмоқда. Нима бўлганда ҳам, бу ҳудудлар дунёдаги АҚШ, Россия, Эрон, Туркия сингари бир-бири билан зимдан келишолмайдиган йирик давлатларнинг рақобат майдонига айланиб қолганлиги аён ҳақиқатдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барқарор юрийтилаётган миллий сиёсат ҳар қандай таҳсинга сазовор. Мамлакатимизда ҳам ташқи, ҳам ички халқаро муносабатларда ўзига хос миллий гармония шакллантирилди. Ўзбекининг буюк шоири Эркин Воҳидов ёзганларидек:

Барча бахт-саодат меҳнатникидир,
Тинчлик – дўстликники, ҳимматникидир.
Ўзбекистон ёлғиз ўзбекникимас,
Бир юзу ўттиз тўрт миллатникидир.
Кейинги ўттиз йил давомида кўп миллатли Ўзбекистон халқи бир жон бир тан бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фуқаролар фаровонлигини ва барча миллатларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш борасида оламшумул муваффақиятларни кўлга киритди. Мамлакатимиз халқлари сўзлашадиган барча тиллар, динлар мавқеи демократик конституциямиз асосида тўлиқ сақланди. Халқ таълими муассасалари еттига тилда фаолият кўрсатишда давом этди. Юртимизнинг турли бурчакларида озчилик миллатларнинг маданий марказлари таъсис этилди. Шаҳар ва қишлоқларимизда масжидлар, черковлар, синагогалар ҳамда бошқа дин ҳамда мазҳаб вакилларининг ибодатхоналари эркин фаолият юритди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги ҳар бир миллат худди ўз тарихий ватанидагидек эркин истиқомат қилаётди.

Мамлакатимиздаги миллий ва диний бағрикенглик турли миллатлар ва дин вакилларининг тинч-осойишта ҳаёти давлат ва жамият равнақи учун муҳим омиллардан бири эканини кўрсатди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимида фаолият кўрсатаётган дастлабки кунлардан бошлаб миллатлараро ҳамда динлараро муносабатларда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, ўзаро тотувликини мустаҳкамлаш ҳамда турли миллатлар ва динлар эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароит яратиш сиёсатини изчил равишда олиб бормоқда. Ташқи сиёсатда ҳам мамлакатимиз кўп векторли ҳаракат тамойилларига амал қилиб, турли ҳарбий-сиёсий уюшмаларга қўшилмади, хорихий мамлакатларнинг ички ишларига аралашмади. Атрофдаги яқин қўшнилари билан дўстона муносабатлар ўрнатди.

Буларнинг бариси жаҳон миқёсида мамлакатимизнинг обрўси ва мавқеининг ошишига сабаб бўлди. Айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги миллий сиёсат бошқа давлатларга ўрнак бўларли даражада шакллантирилди. Бизнинг энди келгусидаги вазифамиз ҳар турдаги миллатчи-популистик демагогларга қарши туриб, халқларимиз ўртасидаги ирқий, миллий, этник ва диний бағрикенглик тамойилларини янаям мустаҳкам қарор топтиришдир.

**Худойберди КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ШИРИНСЎЗЛИГИ - ДИЛГА, ҚЎЛИ ЭМЛИГИ - ДАРДГА ШИФО
Белимда оғриқ пайдо бўлганлиги сабаб Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифохонасига мурожаат қилдим. Ўтказилган таҳлиллардан сўнг буйрагим шамоллагани, шифохонада ётиб даволанишим зарурлигини айтишди.
Шифохона урология бўлимида даволандим. Тажрибали шифокорларнинг олиб борган муолажалари туфайли соғлиғим яхшиланди.
Ўз касбининг фидойилари - шифохона бош врач Аҳмадjon Бобожонов, урология бўлими бошлиги Рустам Абдуҳалимов, уролог врач Жасур Исмоилов, катта ҳамшира Дилрабо Элбабаева, ҳамширалар Дилрабо Марупова, Фариди Шамсиева, физиотерапия бўлими ҳамшираси Насиба Мавлоноваларнинг самимийлиги, ширинсўзлиги дилга, қўли эмлиги дардга шифо бўлди.
Шифокорларга фидокорона меҳнатлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Муштаҳкам соғлиқ ва барака сизни асло тарк этмасин!

**Шерзод ХОЛДОРОВ,
Самарқанд шаҳри.**

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2006 йил 21 февралда 2043 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MELIORATSIYA EKSKVATOR SERVIS" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "MELIORATSIYA EKSKVATOR SERVIS" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2021 йил 15 январдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.
Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Муллақандов кўчаси, 3/3-ўй.
Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 300445506.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Жавоббеков Мухиддин Аҳадбек ўғлига (2020 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-ўй, 51-хона.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 29 декабрдаги тугатишга доир иш юриштириш тамомлаш тўғрисидаги ажримларига асосан қуйидаги фермер хўжаликларига тугатилганлиги сабабли уларнинг бунча тамғаси ва думалоқ муҳрлари бекор қилинади: Ургут туманидаги "Тугалов Бехруз" ф/х. (СТИР: 302883902), "Нуржаҳон Нурсултон ширин боғлари ф/х. (СТИР: 300354549), "Баҳрин Зие Нур" ф/х. (СТИР: 302249938), "Ургут Ботир даласи" ф/х. (СТИР: 303648915), Тойлоқ туманидаги "Дилмурод Жасурбек узумзор" ф/х.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиддин ўғли нотариал идорасида марҳум Садиқов Ёрматат Исмаиловичга (2020 йил 2 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиддин

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

I. "Компьютер инжиниринг" факультети бўйича:

- "Ахборот технологиялари" кафедрасига:
 - катта ўқитувчи - 1 ўрин;
 - ассистент - 1 ўрин.
- "Телекоммуникация инжиниринг" кафедрасига:
 - доцент - 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи - 1 ўрин;
 - ассистент - 1 ўрин.
- "Тиллар" кафедрасига:
 - катта ўқитувчи - 1 ўрин.

II. "Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими" факультети бўйича:

- "Ахборот хавфсизлиги" кафедрасига:
 - ассистент - 1 ўрин.
- "Ахборот таълим технологиялари" кафедрасига:
 - катта ўқитувчи - 1 ўрин;
 - ассистент - 1 ўрин.

Манзил: Самарқанд шаҳри Шохрух Мирзо кўчаси, 47-"А" ўй.

Самарқанд тиббиёт коллежидан 2007 йилда Азимова Дилшоода Рахмоновна номига берилган рўйхат рақами 3187, К № 676488 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абдуҳолиқова Севинч Анвар қизи номига берилган UM № 0517117 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели политехника касб-хунар коллежидан 2016 йилда ИБодуллаев Абдурасул Дилшодович номига берилган рўйхат рақами 1159, К № 4470758 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Пулатова Назира Гайбиллоевна номига берилган O'R-Z № 0790967 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 5-ўрта мактабдан 1987 йилда Хакулов Зиедилло Шоимович номига берилган А № 596916 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Маданият ва санъат фидойиси

Маданият ва санъатни тарғиб қилиш, бу орқали одамларни юксак инсоний фазилатларга ошно этишда шу соҳа фидойиларининг хизмати беқиёс.



«Сарбози», «Сайқал» бадиий жамоалари Хитой, Корея, Россия ва бошқа давлатларда ижодий сафарларда бўлди.

Фармон Розиковнинг ташкилотчилик қобилияти 1997 йилда Самарқандда илк бор ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ва ҳозирлик жараёнида яққол намоён бўлди.

Фармон Розиковнинг бир муддат вилоят мусиқали драма театрига раҳбарлик қилганида жамоанинг Қозоғистонга ижодий сафари уюштирилганди.

Ф.Розиков 1961 йилда Оқдарё туманида туғилган. Мактаб партасидан санъатга меҳр қўйиб ўсган йигит 1978 йилда Тошкент давлат маданият институтига ўқишга киради.

Унинг меҳнат фаолияти 1986 йилда вилоят маданият бошқармасида услубчиликдан бошланди. Ёш, ишчан ходим тез орада ўзининг билими ва ташаббускорлиги, соҳа ишини яхши тушуниши билан кўзга ташланди.

Кейинчалик бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошлиқ лавозимларида самарали меҳнат қилиб, вилоятда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, маданият муассасалари фаолиятини кучайтириш,


спортни ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга бошқош бўлди. Вилоятда маданият ва спортни ривожлантириш, оммалаштиришда фаол иштирок этди.

Жумладан, Фармон Розиков раҳбарлиги даврида вилоятдаги маданият уйлари, 900 дан ортқ оммавий кутубхоналар, автоклуб, музей ва тарихий обидалар, маданият ва истироҳат боғлари, ўттиздан ортқ болалар мусиқа ва санъат мактаблари, давлат театрлари фаолият кўрсатди.

Жамият маънавиятини юксалтиришда буюк мутафаккирларнинг асарлари муҳим ўрин тутаяди. Улар ҳаёт фаолиятида ва асарларида маънавият тамойили доим устувор аҳамиятга эга бўлган.

Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти - маънавият мактаби

Самарқандлик таниқли ҳаттот Шавкат Истамовнинг яқинда нашрдан чиққан «Алишер Навоий Самарқандда» номли асари ана шундай эзгу мақсад ҳосиласидир.



Асарда Алишер Навоийнинг уч йил давомида, яъни 1466-1469 йилларда Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Шoir Самарқандда бўлган даврда асосий вақтини мадрасада ўқишга бағишлар ва бир пайтда Самарқанднинг буюк маърифатпарварлари, улуг алломалар зиёратида қоим бўлган.

Китобда шoirнинг ана шу қисқа ва сермахсул фаолияти ёркин бўёқларда тасвирланган. Фарҳод НАБИЕВ, СамДУ профессори.

Мирзо Олим Девона Самарқандий ва унинг «Равзаи асрор» дostonи ҳақида

Олим Девона XIX асрнинг иккинчи ярмида юртимизда камолга етган истеъодли шoirлардан бири. Аммо ўтган вақт давомида унинг номи ҳам, асарлари ҳам турли сабаблар билан илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолди.



«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари тўплами»нинг VII жилдида Олим Девонанинг мангит амирларидан Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1860-1885 йиллар) амирликда мирохур лавозимида хизмат қилгани ва «Равзаи асрор» дostonининг муаллифи эканлиги тўғрисида маълумот берилган.

Аммо таъкидлаш керакки, шу пайтгача шoirнинг ҳаёт-фаолияти ва ижод намуналари изчил тадқиқ этилиб, бирор бир тўпламда жамланиб, китобхоналарга тақдим қилинмаган эди.

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос олим Исмат Санаев кўп йиллик тадқиқот ва изланиш-

лардан сўнг шoirнинг ижодий меросини жамлаб, тўплам шаклига келтириди. Китоб «Шарқ» нашриетида «Равзаи асрор» номи билан чоп этилди.

Шoir туркий тилдан ташқари араб, форс-тожик тилларида ижод қилган зуллисонайи ижодкор бўлган. Ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ маълумотларга «Равзаи асрор» асарида бирмунча ойдинлик киритилган.

Унинг туғилган жойи ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарлари зўр иштиёқ

Ургутнинг Сўфиқшлоғидан 17 йил аввал ўқиш ва албатта, шoir бўлиш истагида шаҳарга отланган йигит моҳир журналист сифатида кўпчиликнинг эътиборига тушди. Унинг биринчи китоби - «Йигитнинг ори бўлсин!» тўпламидан энг сара публицистик мақолалари ўрин олди.

Гап истеъодли ижодкор Исомиддин Пўлатов ҳақида бормоқда. У публицистикада ижод қилиш билан бирга шеър ёзишни ҳам қанда қилмади. Бу йўлда у қисқа танаффус қилганлиги ҳам бор гап. Назмий асарларини китоб қилишга шошилмасди. Ёзди, изланди, қайта ишлади.

«Дунёни тўтилардан ким қутқаради?»

Ўтган 2020 йилни кўпчилик эсланим истамайди. Сабаби, оғир, синовилий йил бўлди. Аммо сабрли бўлиб, шукроналик ҳисси билан яшаганлар учун унутилмас йил бўлди.



Исомиддиннинг яқиндан билганим учун аксарият шеърларининг ёзилиш тарихи менга маълум. У ота-онасига меҳрли фарзанд, оғасига қадрдон ини, укасига оқибатли ака, турмуш ўртоғига садоқатли ёр, устозларининг масъулиятли шогирди, қаттиққўл

раҳбар, яхшигина танқидчи, ҳақиқат йўлида курашувчи... Унинг фазилатларини, кўнгил кечинмаларини санаб адоғига етмайман. Яхшиси, Исомиддин Пўлатовнинг ўтган йил охирида нашрдан чиққан илк шеърый тўплами, «Сукунатдан сўнг» номли китобини қўлингизга олиб, мутолаа қилсангиз сўзларимга амин бўласиз.

Исомиддин «Ким?» шеърисида бир саволни ўртага ташлайди: «Дунёни тўтилардан ким қутқарар, ким?»

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Мулоҳаза учун мавзу

Ўтган асрнинг 90-йилларида кишиларни ҳайратлантирган симсиз сўзлашиш бугунги кунда оддий эҳтиёжга, турмуш тарзимизнинг ажралмас бир қисмига айланган ва ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди.

Бу - «прикол» эмиш

20-30 йил илгари олиб юришга ноқулай, йирик ва кўрimsиз телефон аппаратларидан фойдаланилар эди. Йил сайин уларнинг дизайни ва вазифаси жиҳатидан мукамал авлодлари яратилмоқда.

қўшиқни тинглаб кетарди. Беихтиёр телефон аппарати экранига кўз ташладим. Не кўз билан кўрайки, машҳур ҳофиз ўрнига... гитара тутган сариқ мушук бошини оҳанга мос тебратарди. Қулишни ҳам, куйишни ҳам билмай ҳайрон тургандим, ҳамроҳим ўзича изоҳ берди: «Бу бир прикол-да, ака!».

Афсуски, бундай бачкана, шахсини таҳқирловчи, ҳамроҳим айтмоқчи «прикол» радио, фото ва видеокамера вазифасини ҳам ўтмақда. Улар воситасида матн, сурат, видеолавҳа, мусиқа ёзиш, тайёрлаш, сақлаш, кўчириш, жўнатиш ва кўпайтириш сингари кўплаб қўшимча имкониятлар вужудга келди.

Яқинда автобусда бир ёш йигит билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. У телефонда эл сўйган ҳофиз ижросидаги

манзара айнан уяли телефон аппарати камераси ёрдамида суратга олинган эди. Албатта, жиноятни содир этган шахслар топилиб, қилмишига яраша жазосини олди. Ҳўш, жиноят ва шафқатсизлик тасвирланган бундай видео-роликларни тарғиб этишдан қўзланган мақсад нима? Саволлар кўп-у уларга жавоб топиш муҳимроқ.

Ёш авлоднинг онгига ёт, бузук гоғаларни тикиштириш, турли бўлмағур фикрлар билан уларни захарлаш ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу хусусда биринчи галда, ота-оналар, ёшларимиз таълим-тарбиясига масъул устоз-мураббийлар, виждони уйғоқ, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир онгли фуқаро қайғуриши, жон койитиши зарур. Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Китоблар тақдимоти мушоирага уланди

Вилоят А.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона марказида «Самарқанд мушоираси» ҳамда «Зарафшон» газетаси кутубхонаси» туркумида чоп этилган «Зарафшон»нинг Беҳбудийси», «Шoir юраги», «Юрак гавҳари» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.



Тадбирда ушбу китобларнинг аҳамияти, муаллифларнинг Ватанга, адабиётга, дўст-биродарларига бўлган муҳаббати, инсон ҳаётида илм-маърифатнинг ўрни ҳақида сўз юритилди.

Жумладан, «Зарафшон»нинг

Беҳбудийси» китобида буюк маърифатпарвар ҳақида «Зарафшон» газетасида чоп этилган мақолалар ўрин олган бўлса, «Шoir юраги» китобида ўтган асрнинг 70-йилларида Самарқанд адабий муҳити пешқадамларидан бўлган

шoir ва журналист Суръат Ориповнинг шеър ва таржималари берилган.

«Юрак гавҳари» китобида самарқандлик қаламкаш - матбуотда узоқ йиллар фаолият кўрсатган фидойи журналист, серқирра ижодкор Эркин Азаматовнинг ўзига хос ижод йўли акс этган. Вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида нашр этилган «Самарқанд мушоираси» китобида самарқандлик ёшларнинг баёзи чоп этилган. Ҳар бир китоб ўзига хос ва ўз ўқувчисига эга.

Беҳбудий ҳақида ҳам, Суръат Орипов ва Эркин Азаматов тўғрисида ҳам соатлаб гапириш мумкин, - дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нусрат Раҳмат. - Самарқандда буюклар кўп, уларнинг ижодини юзага чиқариш, ёш авлодга мерос қилиб қолдириш зарур. Бугун тақдимоти бўлаётган китобларда матбуотимиз ривожини учун улкан ҳисса қўшган шахслар ҳаёти ва ижоди акс этган.

Учрашувда муаллифларнинг фарзандлари, аёнлари, таниқли шoir ва ёзувчилар, шунингдек, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Китоблар тақдимоти мушоирага уланди.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1992 йил февраль

Вилоят ҳокими П.Абдураҳмоновнинг фармойишига кўра, Абдуҳаким Қаландаров Пахтачи тумани ҳокими, Нормат Тошмадов Нарпай тумани ҳокими этиб тайинланди.

март

Вилоят ҳокими П.Абдураҳмоновнинг фармойишига кўра, Яхшимурод Халилов Қўшработ тумани ҳокими, Сайдулла Бойзоқов Пайариқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

апрель

Вилоятда 18 та қоракўлчиликка ихтисослашган давлат ва ижара хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда йилнинг биринчи чораги якуни бўйича 450 мингдан зиёд қўй-қўзи боқилмоқда.

Самарқанд музей-қўриқхонаси экспонатлари биринчи марта чет элда - Францияда намойиш этилди.

18 апрель куни «Интер-Осиё-92» Самарқанд халқаро кўرғазма ярмаркаси очилди.

май

Вилоятимизда 26 апрелдан 3 майгача тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида деҳқончиликка жиддий зарар етди. Бундай машаққатли дамда аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида Президент Ислам Каримов Самарқандга келди.

МДХ мамлакатлари раҳбарларининг Ўзбекистондаги учрашувига келган Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Ислам Каримов ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг қарорига кўра, Баҳодир Юнусов солиқ бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

июнь

Самарқанддаги «Динамо» ўйингоҳида футбол бўйича Урта Осиё ва Қозоғистон шаҳарлари ўсмирларининг аънавий турнири бўлиб ўтди.

Zarafshon SAMARQANDSKIIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.



ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56. БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Навбатчи муҳаррир: А.ШЕРХОЛОВ. Навбатчи: Ҳ.ҲУДОЙБЕРДИЕВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

ISSN-201667X. 9 772010 667009